

Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ягона норматив ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат мулкчилик шаклидан катъий назар барча корхона, ташкилотларда тузилгани ҳамда иш юритиш бўйича амалга ошириладиган барча тадбирларни қамраб олади. Наманган вилояти аграрно-техника уюшмаси ҳуқуқий касаба уюшма кўмитасида ўтказилган семинар-кеңаш ана шу масалаларга бағишланди.

– Унда жамоа шартномаларида кўзда тутилган вазибаларнинг қандай бажарилаётгани, бу борада йўл кўйилаётган камчиликлар ва эътибордан четда қолган айрим масалалар кўриб чиқилди, – дейди кўмита мутахассиси. – Бу муҳим ҳужжат бандларнинг ҳаётта тадбиқ этишда оқсак қолётган вазибалардан бири ойлик маошларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаётганидир. Касаба уюшма вилоти кўмитаси ёки юқори ташкилотларга меҳнатқашлардан тушайтган ариза ва шикоятларда ҳам қўлнинг шу маззуси тилга олинмоқда. Холбуки, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланадиган доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорида ҳам тузилаётган жамоа шартномаларидаги ушбу масала кенг акс этиши ва унинг бажарилишида касаба уюшмалари назоратни янада

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Саваб туғилади, ҳўш, жойлардаги касаба уюшма кўмиталари бу борадаги муаммони ҳал этиш учун ўзларига бериладиган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга асосий қўшади. Афсуски, бу саволга ижобий жавоб қайтариш қийин. Мингбулоқ, Норин Учқўрган туманларидаги «Ташкилот раҳбарлари иш ҳақларини мўддатда бермаганликлари учун фуқаролик судига берилгани ҳолда бошқа бирорта туманда тегишли касаба кўмиталари раислари бу ишни амалга оширишди. Шу сабабли Поп, Чуст, Чортоқ, Норин туманларида бу борадаги

Долзарб мавзу

ариза ва шикоятлар оқими ҳоқимлик ва вазирилари дарраҳасига етиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривож-

малари тузилган. Вилоти касаба уюшма кўмиталари томонидан фермерлар билан ишлаш бўйича услубий қўлланма ҳам ишлаб чиқилган ва жойларга етказилган.

Шунга қарамадан, фермерликни ташкил қилиш, уларни ҳимоялаш, муаммоларни ҳал этишда касаба уюшмалари аъло даражада ишлаяпти, деб бўлмайди. Улар ёлланма ишчиларни муҳофиза қилиш бўйича етарли иш олиб боришмаяпти. Иккинчидан ширкат ҳўжалиklarини фермерликка айлантириш натижасида қишлоқ жойларда баъзи одамлар ишсиз қолмоқда. Бундай ҳолат келажақта хали давом этади. Сабаби, 2006 йилга келиб кам рентабелли ҳўжалиklar фермерликка айланади. Шу боисдан жойларда янги иш ўринларини барпо қилиш ёки ходимларни қайта ўқитиб, бирор касбага жойлаш билан шуғулланишни ташкил этиш ҳамда ушбу масалаларни жамоа шартномаларига очик ва равшан қилиб киритиш керак бўлади.

O. НАЗАРОВ



Меҳр-оқибат ва саховат касаба уюшмаларининг янги аънъаналаридан. Бу борада Бухоро вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси ибратли ишларга бош-қош бўлмоқда. Кўмита томонидан Меҳр ва Мурувват йилда ўтказилган тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, кам таъминланган, ногирон ва кўп болали тармоқ ходимларини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, жорий йилнинг январ ойида Пешку туманида 24 нафар моддий кўмакка муҳтож халқ таълими тизими ходимлари ҳолидан хабар олинди, уларга совға-саломлар топширилди. Шуниингдек, Гиждувон тумани тармоқ касаба уюшма кўмитаси томонидан оилалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳудуддаги мактабларга 188 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Бундан ташқари, амалга оширилаётган



Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

БУ ЙИЛГИ БАҲОР ЎЗГАЧА

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз баҳори яшилликка чулганган. «Нуроний» жамгармаси туман бўлими воҳанинг барча отахон ва онахонларига, меҳнат фахрийларига ва ёшларига мурожаат қилиб, ободонлаштириш ва кўшамзорлаштириш ойларида фаол қатнашишга даъват этди.

– Янги хўбонлар, мевазорлар, терак ва тозорлар, боғу гулзорлар барпо этишдек хайрли ишдан ҳеч ким четда қолмасин, – дейлади қариялар мурожаатномасида. – Дийримида яшовчи ҳар бир киши ямида 6-7 та мевали, ёки 10-15 туздан терак ва ёғочбоп кўчат ўтказиб, парваришласин.

Боғлар яратишда меҳнат фахрийлари ўрناق ва намуна бўлишапти. Президент соврини «Нексия» автомобили билан муқофотланган кекаса деҳқон Яҳё ота Эргашев ўз оила аъзолари билан 300 туздан ортик мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказди. Жўра Элбоев номли ширкат ҳўжалиги «Нуроний» жамгармаси жамоатчилик маркази раиси 85 ёшли Окқўзи Бўтаев бошичилигида 2,5 гектар ташландиқ жойда янги боғ яратилди. Туман бўйича 31 минг тул мевали дарахтлар, 42500 данга тол, 155 минг тул терак, 49 минг тул кўчатлари экилди.

«Гулистон» ширкат ҳўжалигининг бошқарув кенгаши ва касаба уюшма кўмитаси хайрли ишга қўл урди. Ҳўжа-

Далаларни яёв кезганда

ликнинг топган соф фойдаси ҳисобидан замонавий мейморчилик лойиҳаси асосида ишчилар учун 20 та уй-жой қуришга киришилди. Ҳар томонлама қулайликка эга турар-жойлар Мустақиллик байрамининг 13 йиллигига қадар фойдаланишга тошпирилди. Шимал тиббиёт пунктини бунёд этиш учун эса ҳўжалик ҳисобидан 39 миллион сўм, давлат бюджетидан 12 миллион сўм маблаг сарфланади.

Ўз умрини эл равнақи, юрт фаровонлигига бағишлаган, қалбларга ҳарорат ва меҳр берган мўъттабар инсонлар ҳақида «Фахрийлар-фахримиз» китоби чоп этилди. Унинг муаллифлари Шаҳрисабз телевидениеси директори, журналист Гулнора Узоқова ва «Нуроний» жамгармаси туман бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бокӣ бобо Эргашевлар юрдушларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида тўлқинлашиб хикоя қилишади.

– Эзуликка чулганган хайрли ишлар тарихида қолади, – дейди касаба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, С. Мирова. – Қарши шаҳри ва Қамашаи тумани марказида қариялар уйи қурилиши давом этмоқда. Вилотидаги 7 та Меҳрибонлик уйлари ва маҳсус мактаб-интернатлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Хайрия тадбирларида хорижий ҳамкорларимиз ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистон ва Германия ҳўкуматлари ўртасидаги техникавий-мольвий ҳамкорлик дастури доирасида фаолият юритаётган «Заковат» тадбиркорлиқи қўллаб-қувватлаш жамгармаси вакиллари Қарши туманидаги Ковчин қишлоқ фуқаролар йиғинига замонавий компьютер, факс ва шу ҳудуддаги 3 та мактабга китоблар, аудио магнитофон, янги хариталар тақдим этдилар.

– Жамгармаимиз «Маҳаллий тадбиркорлар иштирокида қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш ва ишлаш учун иш жойлари яратиш» лойиҳаси асосида Ўзбекистон ҳудудидаги 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинини қўллаб-қувватлашни зиммасига олган, – дея сўхбатни давом эттирди «Заковат»нинг халқроқ координатори Вольфганг Шрайдер. – Лойиҳа бўйича фуқаролар йиғинлари компьютерлаштирилади. Интернет тармоғига уланади. Сув-газ, электр таъминоти йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилади. Ҳар бир кишининг яшаш шароити яхшиланади.

Юрт ободлиги кўнгилдан бошланади. Воҳанинг кекаси кенгликларига яшилликка чулганган дала боғларида меҳнат мароми ўзгача. Пахтакорлар плёнқа остига чигит экишни қизгин давом эттирмоқдалар. Улар 2004 йил ҳосили учун 164 минг гектар ерга, шу жумладан, 16 минг гектар плёнқа остига уруғ қадашга аҳд қилишган. 140 минг гектар майдондаги галла майсалари суғориб, озиклантириляпти.

ЭЛКИН

МАРМАРДАН

II турдаги қурилиш материали

Яккабоғ туманидаги «ФЭЙЛД-ЭКО» корхонасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалилар нафақат воҳада, бошқа вилоятларда ҳам ўз хараидорига эга.

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбари Равшан Муҳаммадиевнинг таъкидлашича, корхонада мрамардан ўн бир турдаги қурилиш материали ва уй жиҳозлари ишлаб чиқаришмоқда. Ҳомиш Китоб мрамар қонидан олинляпти.

Тадбиркор Музаффар Бобоназаров сая-ҳаракати билан Олақулий қишлоғида қад роставган ушбу корхонада йиғирма бир киши меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда Асаку тумани «Дўст-шериклар» фирми жамоаси салкам 56 минг квадрат метрик «Мадонна» гиламлари ва 74 минг квадрат метрик оддий гиламлар тайёрлашни режалаштирмоқда.

ФИРМА

МУРУВВАТИ

– Аини пайтда фирмда элик нафар мутахассис ишламоқда, деди фирма раҳбари Воҳид Мирзахаммадов. Аммо ўйлаган режаимизни бажариш учун ходимлар сонини етмиш нафарга етказишимиз лозим. Бунинг учун аввало, «Мадонна» гиламларининг асосий ҳомишеси бўлган сунлий тала ва каноп иплари тайёрловчи цехни ишчилар билан тўлдирйшимизга тўғри келади.

Шуни айтиш керакки, «Дўст-шериклар» фирмаси жамоаси аввало ижтимоий кам таъминланган аҳоли табақаларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда. Жумладан, дастлабки йилда ишлаб топилган 3,5 миллион сўмлик фойданинги ярим миллиони кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга хайрия қилинди.

ЯНГИ ПУЛ

КўЧИРИШ ПУНКТИ

Анджикда «Анелик» халқроқ пул кўчириш пункти очилди. «Узриватбанк» пуллари тезроқ кўчирувчи ушбу тизимнинг эксклюзив агентси ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги пайтда андижонлик кўпгина фуқаролар хорижда ўқимоқда ёки ишламоқда. «Анелик»нинг янги пул кўчириш пункти уларга ўз вақтида, ҳеч бир қийинчилик ва харажатларсиз пуллари юбориш ёки қабул қилиш имконини яратди. Пуллар бир кеча-кундуз вақт мобайнида кўчирилади. Бунда банкжа жунатилаётган маблағнинг атиги уч фоизи мқдорига тўлов тўланади.

«Қуш ўчса каноти, одам юрса оёғи қуядиган» қадимий Устюрт кенгликларига улкан корхона қад қўтармоқда. Қорақалпоғистоннинг оғир об-ҳаво шароитида юзлаб фидоий курувчилар «Элобод» деб аталган замонавий шаҳарчага асос солидлар.

Асосий ишлаб чиқариш қисми – етакчи цехнинг пойдеворини қуриш бундан етти йил муқаддам бошланган ва лойиҳадаги айрим ноаниқликлар сабабли тўхтаб қолган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 майдаги «Кўнгирот сода заводи қурилишини битказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг янги корхонани бунёд этиш соҳасидаги ишлар жонлантириб юборилди.

Туя ўрқачли қумликлар баррида жойлашган қурилиш майдонида кекачу кундуз ҳаёт қайнади. Йилгига 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарувчи завод қурилишида 170 кишилик курувчилар жамоаси жонлантириб меҳнат қилишмоқда.

Қисқа мўддатда автокорхона, қозонхона, таъмирлаш, механика устанонаси, темирбетон ишлаб чиқариш майдончаси ва бошқа муҳандислик коммуникация турмаклари, ошхона ва ётоқхона қуриб битказилди.

Нағашбой ота 38 йилдан бери курувчилик касбини угулаб келади. Ҳалол меҳнати юксак қадрланган. Уғиллари Омонгелди, Омонтой, Бахтжон ва қизи Лаъзат ўзи билан бирга ишлаяпти. – Йил охиригача 16 миллион сўмлик қурилиш, усқуналаш ишларини амалга ошири-

лай саҳро шароитида жамоамиз курувчилари ҳақиқий қахрамонлик кўрсатмоқдалар. Курулишни Бердибек Гафуров бошилик қилаётган монтажчилар, Руслан Жажетов раҳбарлик қилаётган дурадгорлар, Жайлихон Раҳमतов етакчилигида бетончилар жамоаларида иш суръати кун сайин ошмоқда. Уларнинг фидоий меҳнати билан туз эритиш ва сақлаш бўлими, сув айланмиш станцияси, теҳник сув билан таъминлаш маркази, об-ҳаётни тозалаш ва чуқуқлаштириш қурилмаси, суюқ аммиак сақлаш илошоти, дистиллаштириш, кар-

«ВОДИЙ» ВЕЛОСИПЕДИ

йўқми? Бунга ўйчиликлар жазм қилишди. Қўрдиқ, хорижикидан минг бор афзал. Харидор жон деб сотиб олади.

Қишлоқ жойларидаги аҳоли ўртасида велосипедга талаб катта. Чунки у ҳар томонлама қулай транспорт воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда савдо дўконларимизда хориж велосипедларининг нархи осмонда. Ҳазмида арзон ва чидамли велосипед ишлаб чиқаришининг имконияти

дига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган. Бу йил икки минг дана велосипед ишлаб чиқарамиз, – деди корхона директори Шокиржон Юнусов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Маълумки, бозор иқтисодиёти рақобатбардор товарни талаб қилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда янги маҳсулот сифатида эътибор бериб, баҳосини арзон белгиладик. Бугунги кунда сотувда бўлган хориж велосипедларига қараганда бизнинг велосипедларга талаб яхши бўляпти. Чунки, нархи чақмайди.

Борса келмас деб аталадиган туз қонда ҳам ҳаёт қайнади. Асосий жом аш ё ман-

бонаштириш, филтрлаштириш иншоотлари, очик ва ёпик омборлар қурилиши нийоясига етказилди.

Борса келмас деб аталадиган туз қонда ҳам ҳаёт қайнади. Асосий жом аш ё ман-

Аини чоғда бу ерга Хитойнинг «Ситик» компанияси билан тузилган шартномасида асосан теҳнологик усқуналар ўрна- тилляпти. Бу ишни Голландиянинг «Акто Нобель инжиниринг» компанияси мутахассис-

Меҳнат муҳофазаси

технология институтларида, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент транспорт ва радиотехника-автоматика, касб-ҳунар коллежларида яхши йўлга қўйилган.

ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам учраб турибди. Жумладан, шаҳар ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида меҳнатни муҳофиза қилиш хизмати ташкил этилмаган. Кўпчилик ўқув юртлиларда иситиш тизимлари носоз. Устахоналарда шомоллаштириш, соғлиққа зарарли ҳавони сўриб чиқариб ташлаш тизимлари яхши ишламайди. Кимё, физика, биология, компьютер, жисмоний тарбия ва бошқа хоналарда хавфсизлик қоидаларига риоя этилишида камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Тошкент давлат теҳника университети автоулов саройида теҳника ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар олиб борилиши талаб даражасида эмас. Ўзбекистон Миллий университети автоулов саройида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар мавжуд.

Баъзи ўқув масканларида ишчи-хизматчиларни маҳсус кийим-бош, пойабзал, шахсий химоя воситалари билан таъминланиши янада яхшилаш тақозо этилади. Қўпгина ҳолатда уларни айрим ташкилотлардан бундай нарзаларни «йўқдан кўра борку» қабулида сотиб олишга мажбур бўлишмоқда. Санитар-аптекарларни дори-дармонлар билан таъминлаши ҳам яхши йўлга қўйиш зарур. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя этилмаётганлиги, бирламчи ўт ўчириш воситалари ишга тайёр ҳолда эмаслиги, гуруҳларда мунтазам ўқув машқлари ўтказилмаётганлиги ҳам аниқланди.

H. РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

Наврўз

иншоотлари

ЎТТИЗ ИККИ ОИЛА

ҚУВОНЧИ

Бухоро шаҳрида яшовчи ўттиз икки оила Наврўз арафасида ҳовли тўйини ўтказадиган бўлди. Янги хонадон қилини олганлар бундан икки йил муқаддам «Узўйк» жамгармабанкнинг вилоят бўлими билан шартнома имзоланган эди. Ҳоланга улар қурилишга сарфланадиган маблағини 20 фоизини олдиндан тўла, қолган қисmini ўн йилгача узиш мажбуриятини олганди.

Уйни «Меймор» ишлаб чиқариш корхонаси қуриб битказди. Уч ва тўрт хонали, кенг ва шинам, сув ва газ ўлчовчилар ўрнатилган хонадонлар бюртмачиларга маълум бўлди. Аҳолининг уй-жойга талабини қондиришга ҳаракат қилаётган банк вилотида ана шундай бешинчи ўйни фойдаланишга топширди.


СПОРТ

МАЖМУАЛАРИ

Наврўз байрами арафасида Пешку туманида 12 та янги стадион ва спорт мажмуалари фойдаланишга топширилади.

Хусусан, А.Навоий номидаги ширкат ҳўжалигининг Узок қишлоғида замонавий спорт мажмуаси қурилмоқда. Унга қўшни «Пахтабод» ширкат ҳўжалигига эса соёқ клуб спорт залига мослаштирилиб қайта таъмирланмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида ҳам кўтарма спорт маркази қад қўлармоқда. Ҳ.А. ИСОМИДИНОВ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради



САВОЛ: Мехнат шартномасини ходимлар сони (штати) қисқартирилиши муносабати билан бекор қилинганда ходимга қонунчиликда қандай қаролат ва имтиёзлар назарда тутилган ҳамда бу ҳусусда қасаба уюшма қўмитаси нимага эътибор бериши зарур?

И. ЖАЙСАНОВ, Республика шохлиқ тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти филиали қасаба уюшма қўмитаси раиси

ЖАВОБ: Ходимлар сони (штати) қисқартирилганда биринчи навбатда штатлар жадвалига ўзгариш киритилиши ва лавозим қисқартирилиши тўғрисида буйруқ чиқарилиши зарур.

Амалдаги қонунга асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш ҳусусиятини ўзгаришига олиб келадиган ишлар ҳажмининг қисқарганилиги, шу асосда меҳнат шартномаси тўхталгани келтириб чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 100-модда 2-қисмининг 1-банди асосида ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Мехнат шартномаси бекор қилинишидан 2 ой олдин иш берувчи Мехнат Кодексининг 102-моддасига асосан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

КИМ ОШИДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! 2004 йил 15, 22 апрел кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган «Нилуфар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи.
Бошланғич баҳоси - 87 144 202,0 сўм ёки 89 605, 0 АҚШ доллари.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Иқтидорингизни бой берманг! Савдода қатнашиш учун харидорлар объектни бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда зақалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.
Ушбу объектларга қизиқиши бор хориқлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилми: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қavat, 44.8-хоналар.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75 факс: 136-06-17. www.rkmb.oxp.uz

дир. Шу сабабли муассасада бўш лавозим бўла туриб ходимни қўрсатиладиган асосда вазифининг озод қилиш ноқонуний ҳисобланади ва ходимнинг аризаларига мувофиқ меҳнат шартномасини қўриқувчи органлар томонидан ўз вазифининг озод қилинишига ҳақдорлиги билан бўш бўлган лавозимга ишга ўтказилади.

Икки ойлик оғохлангириш муддати давомида ходимга муассасадаги Ички меҳнат тартиби қоидалари татбиқ қилинади. Шу сабабли ходим ўз меҳнат вазифини қўпол равишда бузса, унга Мехнат Кодексининг 181-моддасида қўрсатилган интизомий жазо чоралари ҳам қўлланиши мумкин.

Иш берувчи ходимни оғохлангириш билан бир вақтда қамада икки ой олдин ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини қўрсатган ҳолда, бўлжак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда хабар қилиши зарур.

Мехнат Кодексининг 103-моддасига асосан бир лавозимда бир неча ходим ишлаётган бўлса, ходимлар сони қисқариши муносабати билан бекор қилинган бекор қилишда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ биринчи навбатда малакаси ва меҳнат унвондорлиги юқори бўлган ходимга берилади.

Агар ходимларнинг малакаси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлса, Мехнат Кодексининг 103-моддасида қўрсатилган ҳолларда ходимларга ишда қолдириш афзаллик берилади. Муассасанинг жамoa шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган Қонунда қўрсатилгандан бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Оғохлангириш муддати тугаганидан сўнг ходимни ишда қолдиришда ҳеч қандай афзаллик бўлмаса, уни бошқа иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаса, унда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин албатта Мехнат Кодексининг 101-моддаси талаблари бажарилиши зарур, яъни жамoa келишуви ёки жамoa шартномасида қасаба уюшма қўмитаси билан олдин қилинган ҳақи миқдорини бекор қилишига йўл қўйилмайди.

Сиз тиббиёт ходими бўлганингиз сабабли қуйидагиларни эслаб ўтиш зарур деб биламиз: Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида тузилган келишувда иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилганда фақат мажбурий тиббиёт муассасаси қасаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилган сўнг амалга оширилиши мумкинлиги қўрсатиб ўтилган. Шу сабабли ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасаси ўз жамoa шартномасига бундан бекор қилиб қилиниши зарур. Жамoa шартномасига қилинган келишувда жамoa келишувининг бу талаби Республикадаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги барча муассаса ва корхоналарга тегишлидир.

Ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

кор қилинганда Қонунчилик қўмитасида қўшимча қарорлар назарда тутилган: Мехнат Кодексининг 67- ва 109-моддаларига мувофиқ ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Ходим ишдан бўшагандан сўнг иккинчи ой давомида ҳам ишга жойлаша олмаса, унинг аризаларига биноан (ходим меҳнат дафтарида ва паспортини қўриқувчи органлар билан) иккинчи ой учун ҳам нафақа тўланади.

Ходим ишдан бўшатиладиган сўнг ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органидан рўйхатдан ўтиб қўйиши керак. Агар ходим ишдан бўшатиладиган сўнг ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органидан рўйхатдан ўтиб қўйиши керак. Агар ходим ишдан бўшатиладиган сўнг ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органидан рўйхатдан ўтиб қўйиши керак. Агар ходим ишдан бўшатиладиган сўнг ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органидан рўйхатдан ўтиб қўйиши керак.

Агар иш берувчи томонидан ходим икки ой олдин оғохлангирилмасдан қўйиб оғохлангириш муддати тугамастан олдин меҳнат шартномаси бекор қилинса, ходим иш жойига қайта тикланмайди, ammo оғохлангириш муддатининг барча кунлари учун ходимга ҳақ тўланади ва оғохлангириш муддати тугаган кундан меҳнат шартномаси бекор қилинади. Бу ҳақда меҳнат дафтарида қўйилади.



Саволингизга ТДЮИ ўқитувачиси Гулноза Сатторова жавоб беради

САВОЛ: Тадбиркор оилаларга банкдан кредит олишда бирор имтиёз борми?

О. КОДИРОВ, Марғилон шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Макroiқтисодий ва статистика вазирлиги, Марказий банк бошқармаси, товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси томонидан 2002 йил 10 майда 23, 59,2-09/3,

бандига мувофиқ оилавий тадбиркорликни амалга ошириш учун микрокредит олиш ҳуқуқига оилавий тадбиркорлик қатнашчиларидан қамада биттасининг ҳисобига пенсия жамғармасига ажратмалар тўлайдиган оилавий тадбиркорлик субъектлари эгадирлар. Бундай микрокредит олишда бирламчилик ҳуқуқига аҳолини иқтисодий заиф қатламлари ҳисобланган оилалардан:

- кам таъминланган, қўл болалар ва етим болаларни ўз қарамоғига олган оилалар;

- ўз таркибидан ногиронлар, иқтисодий аҳамиятга эга касалликларга дучор бўлган ва бошқа иқтисодий заиф гуруҳлар каторига кирган шахслари бор оилалар эгадирлар.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваридан ошиб кетмаслиги керак.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига Микрокредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- қорамол, ёш қорва моллари, парранда, ем-хашак ва аралаш еم, минерал ўғитлар, уруғлар ва қўчатлар сотиб олиш учун;

- қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун;

- бевосита халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун.

Бундай микрокредитлар гаровсиз асосда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қабилидаги остида 2 йилга бўлган муддатга берилади.

ҳам рамзий маънога эга. Шунингдек, россиялик шифокорлар кам таъминланган оилалар фарзандлари ва етим болалар билан яна бир қатор операциялар ўтказиши режалаштирилмоқда.

Бор бўл, оқибат!

ИНСОН ҲАМИША БАХТГА ИНТИЛАДИ

Уйғониш ва янгилашни айёми Наврўзи оламни сурхондарёликлар зўр тантана, шоду хуррамлик билан кутиб олишмоқда. Байрам олдида вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан барча шаҳар ва маҳаллаларда ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Элимизда Наврўз азалдан саҳоват, меҳр-муруват байрами сифатида нишонланиб келинган. Бинобарин бу пайтда яққа-ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинади. Шу боисдан ҳам бу кунда кам таъминланган оилаларга, ўзгалар парварига муҳтож кексалар ҳамда кўнгли ўқсик етимларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади, дейди соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Шеробод тумани қўмитаси раиси Шарофат Раҳмонова.

Марказий шифохонамизда байрам тадбирлари аллақачон бошлаб юборилди. Кўни кеча Наврўз байрами шодиёналари олдида уруш фахрийларига байрам совғалари топширилди. Уларга кийим-бош, дори-дармонлар, озик-овқат махсулотлари тарқатилди. Шунингдек, Ойтура Тоғаева, Қулаш Науризбаева, Барно Номозова, Зулхумор Ёшбоева, Омон Бозоров, Салтанат Сатторова, Муяссар Жумаева каби жароний ва ногирон ходимларимизга меҳр-муруват ёрдами кўрсатилди.

Умуман, Наврўз байрами олдида 1 миллион сўмга яқин байрам совғалари улашилди. Қасаба уюшма фаоллари солиқ ҳамишира Фанилия Комарованинг хонадониде бўлиб, унинг ҳолидан хабар олишди.

Наврўз байрами олдида ўтказилган умумхалқ ҳаширида 2 минг нафарга яқин киши иштирок этди. Марказий шифохонамиз атрофида тозалик ва ободончилик ишлари амалга оширилиб, мавжуд бинолар деворлари оқланди, дейди Шеробод туман марказий шифохонаси бош ҳақими Бобомурод Бўронов.

Бундан ташқари, 1-туғруқхона мажмуаси Н.Муродов номи, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжаликлари ҳомийлигида 22 миллион сўм маблағ сарфланиб, тўлиқ қайта таъмирланди. Ҳозирги кунда бу ерда тиббий жиҳозлар ўрнатилмоқда.

Қарор ва ижро

қарори юзасидан туман солиқ инспекцияси Янгйқўрғон тикув-трикотаж фабрикасида ўтказган режали маҳсулотлар сотилаётганиги ва 13650 сўм НКМга кирим қилинганлиги маълум бўлди. Маэкур

Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкаголли махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қулайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Фаргона вилоят Давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан назорат ишлари амалга оширилди, жорий йилда бу борала рейд тадбирлари ўтказилди.


Ўтказилган текширишларда айрим тадбиркорлар ноқонуний йўл тутиб, хуфёна даромадга рўжу қилаётганлиги маълум бўлди. Мисол учун Ўзбекистон туманидаги Қонизар қишлоқ фуқаролар йигинида яшовчи Т.Сайназаров ўз уйида қўлбола усулда спиртли ичимликлар тайёрлаб сотаётганида фойда этилди. Текширув чоғида 18 шиша қўлбола арок, 24 литр спирт ҳамда асбоб-ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Беширик туманида фаолият кўрсатаётган «Лочин» хусусий фирма дўкони пештоқида ҳужжатсиз 30 турдаги 183 шиша спиртли ичимликлар борлиги аниқланди. Бу ҳолатлар бўйича тегишли чоралар қўйилди. Умуман, вилоят солиқ хизмати ходим-

лари томонидан 28 та яширин цехлар фаолияти тўхтатилди. Утган давр мобайнида Наманган Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ҳам 87 та тафтиш тадбирлари ўтказилди. Нахтидада 1942 шиша алкаголли ва 3433 қўти тамаки махсулотлари ноқонуний сотилаётганда мусодара қилинди. Жумладан, Янгйқўрғон солиқ ходимлари томонидан 88 минг сўмлик акция марказиз тамаки ҳамда 80 минг сўмлик спиртли ичимликлар ҳеч қандай ҳужжати йўклиги сабабли савдоси тўхтатилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги 280-

ХУФЁНА ДАРОМАДГА ЧЕК ҚўЙИЛДИ

текширув натижасида қизиқ бир ҳолат аниқланди. Бу ерда саводдан туганган 3 миллион 958 минг сўм назорат касса машинасида ўтказилмаган ҳолда банкка топширилиб юборилган. Бу ҳолат бўйича қорхонага 544 минг сўм миқдориде молиявий жарима қўлланилди. Прокуратура ҳузуридеги солиқ ва валютага оид жиҳозларга қарши курашиш бўлими билан ҳамкорликда тадбиркорлик билан шугулланувчи Гулом Юсупов фаолияти қўздан кечирилганда, ноқонуний тарзда 702 минг 350 сўмлик кирим ҳужжатсиз маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди. Жойларда АЕҚШ шохбчаларининг ҳаммаси ҳам кўнглидагидек фаолият кўрсатаётди деб бўлмади. Аксари ҳолатларда нақд пул тушумлари НКМга кирим қилинмайди. Марғилон шаҳридаги «Жўрабек» ва Фаргона шаҳридаги «Ёқубжон» хусусий фирмаларига қарашли АЕҚШларда шундай ҳолатлар тақрорланганлиги учун уларга берилган лицензиялар бекор қилинди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» муҳбири



Шу кунларда пойтахтимизда Москвадаги А.Бақулев номи ярак-қон томир жараҳлик илмий маркази шифокорлари академик В.Воҳидов номидаги Республика махсус жароҳлик марказида ниҳоятда мураккаб бўлган очик юракдаги операцияларни амалга оширмоқда. Бундай операциялар Президентимиз томонидан эълон қилинган Меҳр ва муруват йилида ўтказилиши

Кузатув кенгашининг қарорига кўра «2-Автокомбинат» ОАЖ акциядорларини йиллик умумий мажлиси 2004 йил 15 апрел кўни соат 10.00 да Тошкент шаҳар С.Сегизбаев кўчаси 3-а уйда ОАЖ «2-сон Автокомбинат» клубида ўтказилади

Акциядорлар реестри 2004 йил 16 март кўнига ёпилди КўН ТАРТИБИ

- 1.Жамиятнинг 2003 йил молиявий ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги бошқарув кенгаши раисининг ҳисоботи.
- 2.Жамият фойдаси ва зиёни тўғрисидаги аудитор томонидан тасдиқланган бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
- 3.Жамият тафтиш гуруҳи далолатномаси ва аудитор текширувининг 2003 йил якуналари бўйича хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2003 йил фойдасини тақсимлаш.
- 5.Жамиятнинг 2004 йилга бизнес режасини тасдиқлаш.
- 6.Жамиятнинг 2004 йилга аудитори-ни тасдиқлаш.
- 7.Кузатув кенгашининг ҳисоботи.
- 8.Бошқарув кенгаши раиси билан 1 йил муддатта шартнома тузиш.
- 9.Жамиятнинг бошқарув кенгаши, кузатув кенгаши, тафтиш гуруҳи ҳаражatlари сметасини тасдиқлаш.
- 10.Жамият бошқаруви кенгаши, кузатув кенгаши раҳбарларини ва кенгаши аъзоларини моддий рағбатлангириш механизмини тақомиллаштириш Низомларини тасдиқлаш.
- 11.«2-сон Автокомбинат» ОАЖни «Тошшаҳарўловчитранс» АЖ таркибига кириш масаласи.
- 12.Бошқарув кенгаши аъзоларининг қўшимча сайлови.
- 13.Кузатув кенгаши аъзоларининг қўшимча сайлови.

«2-сон Автокомбинат» ОАЖнинг 2004 йил 1 январ ҳолатига «АММ-автоаудит» аудитор ташкилоти тасдиқлаган баланси

Актив	Пассив минг.сўм
1.Устав фонди	225496,5
2.Қўшимча маблағ	210635,6
3.Захира капитал	761943,9
4.Тақсимланмаган фойда	8997,0
5.Мақсадли молиялаштириш	103280,1
6.Узоқ муддатли қарзлар	288100,6
7.Узоқ муддатли банк кредити	510819,2
8.Узоқ муддатли активлар	1914473,3
9.Айланма активлар	293729,3
10.Кредиторлар	98929,7
2003 йил баланси	2208202,6
Молиявий кўрсаткичлар	Минг сўм
1.Сотишдан туганган маблағ	1330452,2
2.Харажатлар ва мажбурий тўловлар	1637965,7
3.Асосий фаолиятидан ташқари қўшимча даромад	58828,7
4.Олинган дивидендлар	—
5.Бошқа молиявий фаолиятдан даромад	243241,6
6.Зиёни қоплаш учун сўда	40000
7.Молиявий натижа	34556,8
8.Солиқлар	25559,8
9.Соф фойда	8997,0

Акциядорлар умумий мажлисига қадар ОАЖ «2-сон Автокомбинат»да кузатув кенгаши раиси хонасида ҳужжатлар билан танишишлари мумкин. Тел. 72-64-81



Халқни маънавий баркамолликка отаклайдиган, руҳан бирлаштирадиган омиллардан бири санъатдир. Айни шу соҳада ургутликларнинг бошқаларга ибрат бўладиган жиҳатлари кўп. Туманлардаги маданият ишлари ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг ҳаёлига маҳаллий миқёсдаги бадий хаваскорлик келади. Бундай тўшунча ва тасаввурларни ўзгариштириш керак. Халқнинг ичида тенгсиз истеъодлар бор. Уларни рўйбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш керак. Чунки ўзбек макомлари дунё халқларининг санъат дурдоналаридан қолишмайди.

Юнон-рум кураши ТОШКЕНТДАН - АФИНАГА

13-14 март кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи юнон-рум кураши бўйича «Гран-при» турнирига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» халқаро мусобақасига мезбонлик қилди.

Юртимизда кўплаб спорт турлари бўйича йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш аниқлаб айланиб, - деди турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизжўраев. - Мазкур мусобақада спортчилар совинли ўринлар ва йигирма саккизта олимпия лицензиясини қўлга киритиш учун курашади. Афина йўлланмаларида Тошкентда эга бўлган курашчилар Олимпиада уйинларида ҳам медалсиз қолмаслигиндан умид қиламиз.


Дунёнинг олтиншига яқин давлатидан келган 160 нафардан зиёд курашчи етти вазн тоифасида голиблик ва жорий йилда Афинада бўладиган Олимпиада уйинларида катнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун ғаламга чиқди. Тошкентга келган спортчилар орасида Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг голиб ва совиндорлари кўпчилиги мусобақа нуфузини янада оширди, шу билан бирга турнирнинг кескин, мурасасиз турларига бой бўлишини таъминлади.

Олтинчи марафта ташкил этилаётган «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» юнон-рум курашчилари учун олимпия лицензиясини берадиган сўнгги мусобақа бўлгани учун спортчилар бор тажриба ва маҳоратларини ишга солиди. Финал учрашувларида эрон-

ҚИШЛОҚ САНЪАТИ хорижда ҳам довруғ қозонди

Ургут тумани маданият муассасалари тизими бошқа жойлардагидан деярли фарқ қилмайди. Туманда битта марказий, 17 та қишлоқ маданият уйлари, 64 та қишлоқ кутубхоналари бор. Маданият ишлари бўлими тасарруфидаги муассасаларда фаолият юритаётган 224 нафар ходим туман аҳолиси ўртасида маънавий-маърифий, оммавий-бадий тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

- Адабиёт ва санъат ўзаро ажралмас ва булар эзгулик элчисидир. Бу соҳаларда яратилган асарларнинг мезонларини адабиётда Алишер Навоий, Бобур, Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, санъатда Маъмуржон Узоев, Комилжон Отаниёзов каби алломалар белгилаб қўйишган. Халқ санъатини тоифа-



Давр ва маданият

дойи меҳнати тўғрисида қаддас Ҳакимов унга асос солганиди. Неча йилдирки, «Бешқарсак» жамоаси республикадаги катта сайларда, умумхалқ байрамларида мунтазам иштирок этиб келапти. 2002 йилда Корреда ўтказилган фестивалда совиндор бўлди. Энг муҳими, халқ озгаки ижодини сақлаб, аниқлаб барҳаётлиги ва давомийлигини таъминлаб келмоқда. «Бешқарсак» 1988 йилда халқ ансамбли уновнига сазовор бўлган. «Бешқарсак» таркибига Меҳроғ Шодиёнов, Умид Сирожев, Қувват Усмонов, Бўрон Носиров, Илёс Қобиллов сингари истеъодлар бор.

Тумандаги маданият муассасаларининг аҳолидан қониқиши мумкин. Бинолар жорий таъмирдан чиқарилган. Яқинда туман марказий маданият уйига 7 миллион сўмлик ускуналар олиб берилди. Бу эса келгусидаги ривожланишларга моддий асос бўлади.

Энди ургутликларнинг фахри бўлган «Бешқарсак» фольклор-этнографик ансамбли ҳақида. Мазкур даста ташкил этилганига ўттиз йилдан ошиб кетди. Ажойиб овоз соҳиби Му-

ев раҳбарлигидаги «Наврўз» ашула ва ракс дастаси, 11-қишлоқ маданият уйининг Зокир Навиев раҳбарлигидаги «Кўшдоира» фольклор дастасини қайд этиш мумкин. Бундан ташқари, барча маданият уйларида ташкил этилган жами 132 та тўғарақларда 3 мингдан зиёд йигит-қизлар 8-9 жанр бўйича санъат асосларини ўрганишмоқда.

«Энди ургутликларнинг фахри бўлган «Бешқарсак» фольклор-этнографик ансамбли ҳақида. Мазкур даста ташкил этилганига ўттиз йилдан ошиб кетди. Ажойиб овоз соҳиби Му-

Р. ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

АНЪАНА БУЗИЛМАДИ

Тан олишимиз керакики, авваллари биз бундай ҳолатга дуч келмаган эдик. Учинчи турки, олий лига командалари ўртасидаги кечаётган баҳсларда тўрттадан йирик ҳисоб қайд этилмоқда.

Ҳа, учинчи турда ҳам бир дарвозанинг ишғол қилиниши эвазига муҳлислар баҳорнинг серёмғир кунларида голлар ёмирига ҳам Амалдаги мамлакаткор жамоаси сафарда 3:0 ҳисобан бўлса, аламли футболчилари таллург» командалари тор-мор этди. Виктор Жалилов «Сурхон» дарвозасига тўртдан олиб чиқишга мажбур этди. Кетма-кет иккита йирик ҳисобдаги мағлубиятдан сўнг, ниҳоят, «Самарқанд-Д» ҳам зафар қучиб томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Андижонликлардан шу кунга омад юз ўғирди. Ҳисоб - 3:0.



Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» - «Локомотив» - 0:0, «Сўғдиёна» - «Нефчи» - 0:2, «Трактор» - «Машъал» - 1:0.

Шундай қилиб, бир йўла уч жамоа 9 очко жамғариб, турнир жадалини бошқариб бормоқда. Лекин келгуси тур улар сонини жилла курс биттага қаматириши тайин. Чунки 20 мартда «Пахтакор» - «Қизилқум» ҳамда «Нефчи» - «Навбахор» командалари ўртасидаги баҳс қўп нарсага ойдинлик киритади.

УЧИНЧИ ТУРДАН Кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	3	3	0	0	12-0	9
2. «Нефчи»	3	3	0	0	10-0	9
3. «Навбахор»	3	3	0	0	10-0	9
4. «Локомотив»	3	2	1	0	6-0	7
5. «Насаф»	3	2	0	1	9-3	6
6. «Сўғдиёна»	3	1	1	1	2-3	4
7. «Қизилқум»	3	1	1	1	2-5	4
8. «Сурхон»	3	1	0	2	7-9	3
9. «Самарқанд-Д»	3	1	0	2	3-8	3
10. «Металлург»	3	1	0	2	3-10	3
11. «Трактор»	3	1	0	2	3-11	3
12. «Андижон»	3	0	1	2	1-5	1
13. «Машъал»	3	0	0	3	1-4	0
14. «Бухоро»	3	0	0	3	0-10	0

Одами эрсанг...

Кўнгилад Даввати

Қарши туманидаги «Пахтакор» қишлоқ фуқаролик йигини вакили Рустам Баратов ва Ҳазрати Султон Абдулхайр жомеъ масжиди имом хатиби Иброҳим Лутфиев Юқори Бешкент қишлоғидаги 47-уйда истикомат қиладиган Илғор ногирони Мардон Ҳамроқулов хонадонда бўлиб, ўқис қалбга қувонч бахш этдилар.



Р. ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

Наврўзни қаршилаб

Лагерда анчагина ўзбек йигитлари бор эди. Касаллик сабаби маълум, дармондори етишмаслигининг оқибати эди бу. Омборхонада ишлайдиган ўзбек маҳбۇслари чўнтакларига солиб чиқиб юриб ўн беш-йигирма кило бўғдой тўллашди ва ошхонадаги ошпаз йигитлар уни

шади. Ажабо, овқатни сиёсатга қандай алоқаси бор экан?! Шундоқ, Қоратўз ортида Олтиқўрғон деган қишлоқда Худойбирма Мўминов деган қадрдоним бор. Ёши саксонга яқинлашсада, тиниб-тиничмаган бу фермер сумалак сайлига,

СУМАЛАК САЙЛИ

тўғриси, Наврўз олди бўладиган тадбирга таклиф билан келибди. 43 гектар ер олиб 34 кишига иш ўрни яратган оксоқол қишлоқдаги ўнта кам таъминланган оилага, жами ишловчиларга ана шу тантана кунини бахали-қудрат янги кийим-бош тарқатиши мўлжаллабди. Бу янгилик эмас, олдинлари ҳам саҳий бойлар Наврўз кунлари улоқ беришган, ош пишириб, бева-бечораларга сарполар кийгизишган. Мана, неча йилдирки, фақат Наманган ёки Андижон вилоятларидагина эмас, Фарғона водийсининг ҳамма жойида, айтиш мумкинки, бутун Ўзбекистонимизда шундай қилинапти. Миллий одатларимиз, анъаналаримиз давоми бу! Табиийки, бундай кезлардаги тантаналарнинг бош таоми Сумалак бўляпти.

Усма кетар, қош қолар, деганларидек, ёлгонга, алдоқчилик ва кўзбўямачиликка асосланган замонлар ўтди. Наврўзимиз кайтадан бўй кўрсатди ва уни ҳар баҳор шод-хуррамлик билан кутиб оломқдамиз. Дошқозонларда сумалаклар қайнайверсин!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Расулвога падары бузруквори

МУНИНЖОН отанинг вафот этганлиги муносабати билан «чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Марказий кўмиталари, вилоят касба уюшмалари Кенгашлари ҳамда «Ишонч» газетаси тахририяти Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Расулвога падары бузруквори

МУНИНЖОН отанинг вафот этганлиги муносабати билан «чуқур таъзия изҳор этади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири



лик спортчилар ўзини кўрсатди - Бейруз Жамшиодий, Масъуд Ҳошимзода ва Сажад Барзий ўз вазн тоифасида тенгсиз курашчи эканини исботлади. Шунингдек, Масатоши Тойота (Япония), Нурлан Койжаганов (Қозоғистон), Марен Хуан (Куба), Тамаш Беризца (Венгрия) ҳам «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» мусобақаси голиби бўлди.

Мазкур халқаро турнирда барча вазн тоифаларида ярим финалга чиққан йигирма саккиз нафар курашчи Афина Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

Ўтган йили Францияда бўлган жаҳон чемпионати ва жорий йилда Сербия ва Черногорияда ташкил этилган халқаро турнирларда эса ўзбекистонлик юнон-рум курашчиларидан уч нафари - Алексей Чеглаков, Аслиддин Худойбердиев ва Александр Докторовили олимпия лицензияларини қўлга киритган эди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, Ҳаа мухбири **Суратларда мусобақадан лавҳалар** **С.ҲРМОНОВ (Ҳаа) олган суратлар**



«БАРКАМОЛ АВЛОД» ҲЙИНЛАРИ

Жойларда ўрта-маҳсус билим юрталари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган аниқнавий «Баркамол авлод» ўйинларининг навбатдаги босқич мусобақалари давом этмоқда.

Коракалпоғистон Республикасида

ўтган бокс бўйича беллашувларда барча туманлардан келган спортчилар ўн вазн тоифасида рингга чиқди. Исо Турсунбоев, Баҳодир Хидирбоев, Узок Бөкимбетов, Ҳроғзали Усмонов, Илҳон Султонов, Бобур Халиллаев, Алишер Адилов ва Владимир Валихонов ўз вазн тоифасида голиб бўлди.

Улар энди мусобақанинг мамлакат босқичида иштирок этади.

(Ҳаа)

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорья Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳидов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.30

ISHONCH

МУАССИС: **Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси**

Бош муҳаррир **Мирғиёс КАЮМОВ**

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ёнчимни А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.